## М-1 - сонли ШАРТНОМА

Тошкент ш. 06.01.2022 йил

Устав асосида фаолият юритаётган “Crown cinema MCHJ”, кейинги ўринларда “маданий тадбир” деб юритилаётган томон номидан директор Хусанов Улуғбек Фатхулла ўғли, бир томондан, Низом асосида фаолият юритувчи Тошкент шаҳар шифобахш кейинги ўринларда “Харидор” деб юритилувчи томон номидан Устав иккинчи томондан , иккала томон биргаликда “Томонлар” деб юритилади, куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

### 1.Шартноманинг предмети

1.1.Мазкур шартнома бўйича “маданий тадбир” чипталарини сотади, “Харидор” эса театр чипталарини мазкур шартномада белгиланган суммада ва шартларда харид қилиб олади. Томонлар маданий тадбир чипталарини харид қилиш ва сотиш бўйича қуйидаги келишувга эришдилар.

| Тадбир тури | Чипталар сони, Дона | 1 дона чиптанинг нархи | Сумма |
|---|---|---|---|
| Маданий тадбир | 142 | 80.000 | 11360.000 |
| | 63 | 70.000 | 4410.000 |
| | | | |
| | | | |
| ЖАМИ: | 205 | | 15770.000 |

Маданий тадбир хизмати умумий баҳоси қўшимча қиймат ва акциз солиғисиз ўн беш миллион етти юз етмиш минг сўмни ташкил этади.

### 2.Шартнома бўйича ҳисоб-китоб тартиби

2.1. “ХАРИДОР” мазкур шартнома имзоланған пайтдан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида шартнома умумий қийматининг 30 фоизи миқдоридаги пул маблағларининг олдиндан тўловини амалга ошириши ва банк хужжатларини тақдим этиши шарт.

2.2. Агар мазкур шартнома имзоланган пайтдан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида пул маблағлари Маданий тадбир ҳисоб рақамига тушмаса, Маданий тадбир нарҳларни ўзгартириши ёки ўз мажбуриятларни бажаришдан воз кечиши мумкин.

2.3. Маданий тадбир ҳисоб рақамига хизмат кўрсатиш кунидан олдин тўлов сумасининг 30 фоизи ўтгандан сўнг қолган 70 фоиз қисмини тадбир якунланган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида Хизмат кўрсатувчига тўлаб берилиши шарт.

### 3.Томонларнинг жавобгарлиги

3.1.Томонлар мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

3.2.Ушбу шартнома бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

### 4.Фавқулодда (форс-мажор)ҳолатлар

4.1.Томонлар мазкур шартномадан келиб чиқувчи мажбуриятларни ўзларига боғлиқ бўлмаган форс-мажор ҳолатлар сабабли бажармаса ёки лозим даражада бажармаса, шартномадан келиб чиқувчи мажбуриятларни ўташдан озод этиладилар.

4.2.Форс-мажор ҳолатларга олдиндан кўриб ва олдини олиб бўлмайдиган ёки олдини олиш мумкин бўлмаган, томонларнинг хоҳиш-иродаларига боғлиқ бўлмаган ва шу боис томонлардан ҳеч бирига мажбуриятларни ўташга имкон бермайдиган ҳолатлар- енгиб бўлмайдиган табиат ҳодисалари (зилзила, тўфон, кўчкилар ва шу кабилар) ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар (уруш ҳолати. қамал. Давлат органларининг тақиқловчи ҳужжатлари ва шу кабилар) киради.

## 5.Шартноманинг бошқа шартлари

5.1.Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва томонлар ўз мажбуриятларини бажариб бўлгунга қадар. Лекин кечи билан 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Мазкур шартномага томонлар ўзаро келишув асосида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тарзда исталган вақтда ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга ҳақли. Мазкур шартномага қилинган барча ўзгартиш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ва томонларнинг имзолари билан тасдиқланиши лозим. Мазкур шартномага қилинган барча иловалар, қўшимчалар ва ўзгартишлар шартноманинг таркибий қисми деб қаралади.

5.2.Мазкур шартномадан келиб чиқадиган барча низоларни Томонлар ўзаро келишув асосида тинч йўл билан ҳал этадилар. Низоларни тинч йўл билан ҳал этишнинг имкони бўлмаган ҳолларда тегишли томон Тошкент туманлар аро Иқтисодий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

5.3.Мазкур шартнома Томонларнинг ўзаро келишуви асосида исталган вақтда бекор қилиниши мумкин.

5.4.Шартнома бир хил кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва томонларнинг ҳар бирида сақланади.

## 6. Томонларнинг манзиллари ва банк рақамлари

| КИНОТЕАТР | ХАРИДОР |
|---|---|
| Номи: «Crown-cinema» МЧЖ<br>Манзил: Тошкент ш. Олмазор тумани 5-уй<br>Х/Р: 2020 8000 3050 3618 0001<br>Банк: ТИФ Миллий банк Олмазор филиали<br>МФО: 00876 ИНН: 306 226 970<br>Тел:+998909173000<br>+998901756277 | Номи:<br>ТАШКЕНТСКИЙ ФИНАНСОВЫЙ ИНСТИТУТ<br>г. Ташкент, ул.А.Темура 60-"А" Тел: 234-11-48<br>Л/сч: 400910860262667094100079001<br>ИНН: 201221691 ОКЭД: 85420 ОКОНХ: 92110<br>Казначейства Министерства финансов Руз.<br>Р/сч: 23402000300100001010<br>РКЦ упр. ЦБ РУз г. Ташкент<br>ИНН: 201122919 МФО: 00014 |
| Директор : У.Ф.Хусанов. | Рахбар: |